



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«ASIA ALLIANCE BANK»

акциядорлик тијорат банки

Кенгашининг 2015 йил «27» ғавар даги  
- сонли қарори билан

Кенгаш Раиси

Р.С. Исламов

2015 йил «27» ғавар

М.Ү.

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки

Раисининг биринчи

ўринбосари

У.М. Мустафоев

2015 йил «9» ғевролю № 08-43-0206

М.Ү.

**«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тијорат банкининг юридик  
шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш  
Шартлари**

### 3-Чиқарилиш

Мазкур Шартлар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк  
фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги  
қонунларига хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008  
йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган «Банкларнинг депозит  
(омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида»ги  
Низом асосида ишлаб чиқилган бўлиб, «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик  
тијорат банкининг депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлишини  
тартибга солади.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тијорат банкининг  
(кейинчалик «банк») депозит сертификати (кейинги матнда «сертификат») -  
банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат  
сақловчининг) депозит суммасини хамда сертификатда шартлашилган  
фоизларни сертификатни берган банкдан ёки банкнинг исталган филиалидан  
белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш хукуқини тасдиқловчи  
ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз ҳисобланади.

1.2. Сертификатлар бланкалар тарзида хужжатли шаклда чиқарилади.

1.3. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар  
(ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин  
эмас.

1.4. Сертификатларининг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни  
тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

1.5. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий  
валютасида ифодаланади. Сертификатларни хорижий валютада чиқариш  
тақиқланади.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

- 2.1. Сертификат бланкаларида күйидаги мазмундаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим (1-илова):
- а) “депозит сертификати” номи;
  - б) сертификат рақами ва серияси;
  - в) депозит қўйилган сана;
  - г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
  - д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
  - е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
  - ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
  - з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
  - и) эмитент банкнинг номи, жойлашган манзили;
  - к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;
  - л) банк томонидан сертификатни имзолаш хукуки берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкининг матнида юқорида қўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири қўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

2.2. Сертификатда талаб қилиб олиш хукуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш (цессия) сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча вараклар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчисининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш хукуки берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк (банк филиали) муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

2.3. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (кейинги ўринларда - чиқарилиш шартлари), шу жумладан, талаб қилиб олиш хукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳамда сертификат йўқотилганда сертификат бўйича хукуқларни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

2.4. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерида) тўлдирилади.

Сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизик тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

2.5. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмахона усулида қўйиш тақиқланади.

2.6. Сертификатни беришда банк сертификат корешогидаги барча реквизитларни тұлдиради. Сертификат корешоги омонатчи (омонатчи-юридик шахснинг раҳбари) ёки омонатчининг қонун ҳужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахс томонидан имзоланади. Сертификат корешоги сертификатдан ажратилади ва банкда ишончнома билан бирга сақланади.

2.7. Сертификат омонатчига (омонатчи-юридик шахснинг раҳбари) ёки омонатчининг ишончномага эга бўлган ваколатли шахсига берилади. Ишончнома сертификат корешоги билан бирга банкда сақланади.

2.8. Банк томонидан сертификатни тұлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл кўйилмайди.

2.9. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тұлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

2.10. Депозит сертификати бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча вараклар (иловалар) фақат қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳукуқини берувчи лицензияга эга бўлган «Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Сертификатга қўшимча вараклар (иловалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

2.11. Сертификат бланкалари "Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида"ги низом талабларига мувофиқ тайёрланади.

### III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин.

3.2. Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш ҳукуқи фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

3.3. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳукуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бундай сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варакларда (иловалар) ўз ҳукуқини бераётган (цедент) ва ушбу ҳукуқни сотиб олётган шахснинг (цессионарий) икки томонлама битими билан банкда расмийлаштирилади.

Депозит сертификати бўйича талаб қилиб олиш ҳукуқидан воз кечиш ҳажидаги шартнома шу каби битимларни амалга ошириш учун ҳар бир юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари билан тасдиқланади.

3.4. Сертификатлар қўйидаги миқдор ва ҳажмларда чиқарилади:

| Киймати       | Дона       | Умумий ҳажми           |
|---------------|------------|------------------------|
| 50.000.000    | 40         | 2.000.000.000          |
| 100.000.000   | 30         | 3.000.000.000          |
| 200.000.000   | 25         | 5.000.000.000          |
| 500.000.000   | 60         | 30.000.000.000         |
| 1.000.000.000 | 60         | 60.000.000.000         |
| <b>Жами:</b>  | <b>215</b> | <b>100.000.000.000</b> |

3.5. Сертификат сотиб олиш учун омонатчи ёзма равища банкка ариза билан мурожаат қилади.

3.6. Сертификат олиш бўйича шартнома тузилаётганда омонатчи сертификат бланкаларини олувчи жавобгар шахсга ишончнома ва унинг паспорт нусхасини тақдим этади.

3.7. Сертификат олиш бўйича шартнома тузилгандан сўнг, омонатчи унда кўрсатилган пул маблағларини Банкнинг белгиланган ҳисобварағига 2 (икки) банк иш куни давомида ўтказиши керак. Омонатчи (юридик шахс) томонидан Банкнинг тегишли ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг, 2 (икки) банк иш куни ичида омонатчига сертификат бланкаси берилади.

3.8. Берилган сертификат бланкалари Банкнинг депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

3.9. Банк сертификатлари эгаларининг реестрини депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобига мувофиқ доимий равища олиб боради.

3.10. Сертификат сақловчи ўзи бўйича ўзгарган маълумотлар (мулкчилик шакли, юридик манзил, банк реквизитлари ва х.к.) ҳақида Банкни ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида хабардор қилиши лозим.

3.11. Талаб қилиб олиш хуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида (цессияда) сертификат корешогига ўзгартеришлар киритилмайди.

3.12. Воз кечиш тўғрисидаги ҳар бир шартнома цедент томонидан ракамланади ва Банк томонидан рўйхатга олинади. Банк масъул ходими томонидан сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидаи воз кечиш ҳақидаги маълумотлар “Банкнинг депозит сертификатларини рўйхатга олиш китобида” қайд этилади.

3.13. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан воз кечилаётганда Цессионарий Банкка сертификат бланкаларини олувчи жавобгар шахсга ишончнома ва унинг паспортини (омонатчи-юридик шахснинг раҳбари фақат паспорт) цессия шартномасини расмийлаштирилаётган куни тақдим этиши лозим.

3.14. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан воз кечиш битими расмийлаштирилган кун Банк Цедентнинг тегишли ҳисобварағига ушбу Шартларнинг 4.1. бандида кўрсатилган фоиз ставкалари микдорида сертификатларнинг ҳақиқатда муомалада бўлган муддати учун тегишли соликтарни чегирма қилган ҳолда фоиз даромадларини тўлаб беради. Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

3.15. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

3.16. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш хуқуқидан воз кечиш битими бўйича келиб чиқадиган мажбуриятлар цедент ва цессионарий томонидан уни расмийлаштирилган кундаёқ бажарилиши лозим.

3.17. Сертификат цессиясини расмийлаштиришда сертификатнинг орка томонида йўл кўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда "тузатилди" ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳрланиши шарт.

3.18. Депозитнинг сертификат бўйича талаб қилиш хуқуқи сертификатда белгиланган депозитни сўндириш санаси келгандан сўнг юзага келади.

Сертификатларни муддатидан олдин тўловга тақдим этиш мумкин.

3.19. Сертификатни сўндириш муддати келганда, омонатчи томонидан тўловга тақдим этилган сертификат ва аризага мувофиқ унда кўрсатилган хисобваракқа Банк томонидан 2 (икки) банк иш куни давомида тўлов амалга оширилади. Сертификатни сўндириш бўйича ариза сертификат сақловчининг фирма бланкасида корхона раҳбари томонидан қўл қўйилган ва муҳрланган холда расмийлаштирилиши лозим.

3.20. Сертификат сақловчилари томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда уларни талаб қилиш ҳукуки бошқа шахс фойдасига воз кечилганилиги ҳақида ёзувлар мавжуд бўлса, бунда банк сертификатнинг бошқа шахс фойдасига воз кечишга доир шартномаларнинг (цессияларнинг) узлуксизлигини, шунингдек сертификат сақловчисининг охирги шартнома (цессия)даги номи, муҳри ва ваколатли шахслари имзоларининг сертификатни тўлаб беришни сўраб ёзилган аризадаги номи, муҳри ва имзоларига мослигини текшириб кўради.

Аризадаги ваколатли шахслар имзолари сертификатдаги охирги цессияни имзолаган шахслар имзоларига мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси Банкка вакилнинг ваколатини тасдиқловчи хужжат тақдим этиши талаб этилади ва хужжат тўлаб берилган сертификатга қўшиб тикиб қўйилади.

#### IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАР ҲИСОБЛАШ

4.1. Сертификатлар қўйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади:

| Муомала муддати | Йиллик фоиз ставкаси              |
|-----------------|-----------------------------------|
| 180 кун         | 7 (етти) фоиз                     |
| 270 кун         | 8 (саккиз) фоиз                   |
| 395 кун         | 9,5 (тўқиз бутун ўндан беш) фоиз. |
| 545 кун         | 10,5 (ўн бутун ўндан беш) фоиз    |

4.2. Сертификатлар бўйича фоизлар Банкнинг тегишли хисобарағига сертификатлар учун пул маблағлари келиб тушган кундан бошлаб ҳар куни сертификатларни амалдаги муомалада бўлган даври учун йиллик 365 кундан келиб чиккан холда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкнида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида” Низомга (АВ томонидан 30.01.2004 й.да 1306-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ҳисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 24 санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичida омонатчининг тегишли хисобарағига ўtkазиб берилади. Омонатчи томонидан сертификат бўйича банкдаги тегишли хисобарағига пул маблағлари келиб тушган кун ва уншбу хисобваракдан пул маблағлари ечиб олинган кун фоиз ҳисоблашда бир кун хисобига олинади.

4.3. Сертификатлар бўйича ҳисобланган даромадни солиққа тортилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.4. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас.

4.5. Сертификат сакловчиси сертификатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишини мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бунда сертификат бўйича фоиз тўлови сертификат ҳақиқатда муомалада бўлган муддат учун йиллик қуйидаги фоиз ставкасида қайта ҳисобланади:

- 179 кун ичida сўндиришга тақдим этилса – йиллик 6 (олти) фоиз;
- 181 кундан 269 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 7,5 (етти бутун ўндан беш) фоиз;
- 271 кундан 394 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 8,5 (саккиз бутун ўндан беш) фоиз;
- 396 кундан 544 кун оралиғида сўндиришга тақдим этилса – йиллик 9,5 (тўккиз бутун ўндан беш) фоиз.

Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фоиз тўловлари ва қайта ҳисоблаш натижасида тўланиши лозим бўлган фоизлар микдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси ҳисобидан ушлаб қолинади.

4.6. Сертификатлар банк ташаббуси билан қонун хужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан депозит суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун сертификатда белгиланган фоиз ставкалари микдорида даромад тўланади. Бунда, банк сертификатларнинг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим. Банк томонидан қайтариб сотиб олинган сертификат сўндирилган ҳисобланади.

4.7. Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати етиб келганда сертификат омонатчи томонидан тўловга ўз вақтида тақдим этилмаса, омонат суммаси банкда талаб қилиб олингунга қадар депозит шартлари асосида сакланади ва мижознинг биринчи талаби биланок сертификатда ёзилган асосий суммани ва ҳисобланган фоизларни тўлаб беради. Бунда банк сертификат муомала муддати ўтиб кетган даври учун сертификатда белгиланган фоизни ва талаб қилиб олгунга қадар депозит бўйича фоизни ҳисобламайди ва тўламайди.

4.8. Сертификатни сўндириш муддати Банкнинг айби билан кечикирилган бўлса, кечикирилган кунлар учун сертификатда белгиланган фоиз ставкаси микдорида фоиз ҳисобланади ва омонатчига тўланади.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Депозит сертификатларининг корешогларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг қўшимча ва рақларини (иловаларини) саклаш, шунингдек банк томонидан сертификат бланкаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.2. Йўқотилган сертификатлар бўйича ҳукуқлар банк томонидан қайта тикланади.

5.3. Сертификат йўқотилганда сертификат сақловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

5.4. Сертификат йўқолганлиги аниқланганда сертификат сақловчиси бу жакда 2 (икки) банк иш куни ичида ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкка тақдим этилган санадан бошлаб, 5 (беш) банк иш куни ичида кўриб чиқилади. Ариза банкнинг маҳсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

5.5. Ариза сертификатнинг корешоги билан бирга сақланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг кайси бўлими орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи кўрсатилади) ва қанча микдордалиги кўрсатилади.

Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган маҳсус комиссия томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор кабул килинганидан кейин банк аризачига 5 (беш) банк иш куни ичида йўқолган сертификат дубликатини беради ёки сертификатни муомалада бўлиш муддати келган бўлса сертификат бўйича тўловларни амалга оширади.

1- Илови  
Олди томони

|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
| ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИНИНГ<br>КОРЕНОГИ  |  | “ASIA ALLIANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ<br>ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ  |  |
| СЕРИЯ ААБ-03   |  | СЕРИЯ ААБ-3  | РАҚАМАИ _____  |
| РАҚАМАИ _____  |  | Депозит кўйилган сана<br>201_ йил «__»   | Сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш санаси<br>201_ йил «__» |
| Киймати :<br>(_____) сўм   |  |  | Киймати :<br>(_____) сўм   |
|  |  | Фоиз ставкаси : _____  | (ракамлар ва сўзлар билан)   |
| Берилган санаси<br>201_ йил «__»   |  | «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки<br>(100047, Тошкент шахри, Тараккиёт кўчаси 2а-уй.) ушбу орқали банкка _____<br>(_____) (ракамлар ва сўзлар билан) сўм миқдорда   |  |
| (берилган юридик шахснинг номи ва жойлашган<br>манзили)<br><br>Сертификатни олдим<br>201_ йил «__» |  | юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили)<br>депозитни жойлаштиргани тўғрисида гувохлик беради, шунингдек омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисига<br>кўрсатилган _____ (ракамлар ва сўзлар билан) сўм маблағни йилига<br>_____ (ракамлар ва сўзлар билан) миқдоридаги фоиз ҳисобидан<br>_____ (ракамлар ва сўзлар билан) сўм<br>миқдоридаги фоизларни қўшиб, жами |  |
| (Омонатчининг имзоси ёки унинг ваколатли<br>шахснинг имзоси)                                       |  | (ракамлар ва сўзлар билан) сўм қайтариш мажбуриятини олади.<br>Имзолар:<br><br>(Банкнинг мансабдор шахси)<br><br>(Банк бухгалтери)   |  |
|  |  | М.Ў.   |  |

*Оригинал*

|   |  |   |  |
|---|--|---|--|
| <p>Сертификати бўйича берни биринчийн роҳи оидан оиди намунони<br/>бўшка шахса берадиганда иштаган</p> <p>(цедент) бар ташланади</p> <p>(помонаши номланниши, номи)</p> <p>(цессионарийн номланниши, номи)<br/>куйдагилор энда кимини шахслар сертификатини яхси ("Цедент") унин бўшка<br/>шахса ("Цессионарий") беради,<br/>еса</p> <p>(цессионарийн номланниши, номи)<br/>ракамли сертификат бўйича хукукларга эга бўлади.</p> <p>(цедентнинг ёки унинг ваколатига<br/>эга шахснинг имзоси)</p>   |  | <p>Сертификати бўшка шахса берни биринчийн роҳи оидан оиди намунони<br/>бўшка шахса берадиганда иштаган</p> <p>(цедентнинг помонаши, номи)<br/>("Цессионарий") ишканини томондан.</p> <p>юйдагилор энда кимини шахслар сертификатини яхси ("Цедент") унин бўшка шахса<br/>куйдагилор энда кимини шахслар сертификатини яхси ("Цедент") унин бўшка шахса<br/>беради,<br/>еса</p> <p>(цессионарийн номланниши, номи)<br/>ракамли сертификат бўйича хукукларга эга бўлади.</p> <p>(цедентнинг ёки унинг ваколатига<br/>эга шахснинг имзоси)</p> <p>(цессионарийн ёки унинг<br/>ваколатига эга шахснинг имзоси)</p> |  |
| <p>М.У.</p>   |  | <p>М.У.</p>   |  |
| <p>Депозит сертификати (матнининг кейинги ўрнларида «Сертификат») – бу «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (матнининг кейинги ўрнларида «Банк»)да кўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сакловчининг) депозит суммасини хамда сертификатда шартлашилган фойзларни сертификатни берган банкдан ёки шу Банкнинг исталган филиалидан белгилangan муддат тугаганидан кейин олиш хукукни тасдиқловчи номзиссиявий эгасининг номи ёзилган кимматли коғоз.</p> <p>Сертификатини товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун хисоб-китоб килишида тўлов воситаси сифатида кўлаш мумкин эмас.</p> <p>Депозит сертификатларининг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллук хисоб-китоблар нақдзис шаклда амалга оширилади.</p> <p>Сертификатлар бўйича фойзлар Банкнинг тегиши хисобварагига сертификатлар учун пул маблаглари келиб тушган кундан бошлаб ҳар куни хисоблаб борилади ва ҳар ойнинг 24 санасидан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичда тузилаган омонатчи-юридик шахслар рўйхати бўйича омонатчиларнинг тегиши хисобварагига ўтказиб бериш оркали амалга оширилади.</p> <p>Сертификат сакловчиси сертификатни муддати тугагунга кадар кайтариб беришни талаб килиши нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олиши мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор килиши шарт. Бунда сертификат бўйича фойз тўлови сертификат хакикатда муомалада бўлган муддат учун йиллик куйидаги фойз ставкасида кайта хисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>179 кун ичда сўндиришга тақдим этилса – йиллик 6 (олти) фойз;</li> <li>181 кундан 269 кун оралигига сўндиришга тақдим этилса – йиллик 7,5 (етти бутун ўндан беш) фойз;</li> <li>271 кундан 394 кун оралигига сўндиришга тақдим этилса – йиллик 8,5 (саккиз бутун ўндан беш) фойз;</li> <li>396 кундан 544 кун оралигига сўндиришга тақдим этилса – йиллик 9,5 (тўккиз бутун ўндан беш) фойз.</li> </ul> <p>Сертификат бўйича аввал амалга оширилган фойз тўловлари ва кайта хисоблаши натижасида тўланиши лозим бўлган фойзлар микдори ўртасидаги фарқ депозит суммаси хисобидан ушлаб колинади.</p> <p>Депозит сертификати бўйича талаб килиб олиш хукуки факат юридик шахса ўтказилиши мумкин. Сертификат бўйича талаб килиб олиш хукувидан бошқа шахс фойдасига воз кечин ўз хукукни берадиган (цедент) ва ушбу хукукни сотиб олаётган шахснинг (цессионарий) иккى томондана битими билан банкда расмийлаштирилади.</p> <p>Сертификатлар банк ташаббуси билан конун хужжатларида белгилangan холатлarda муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан омонат суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун фойзлар тўланади. Бунда, банк сертификатларининг муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиши шартлари тўғрисидан камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари оркали эълон бериши лозим.</p> <p>Сертификатни бериш вақтида белгилangan ва муомалада муддати тугаганидан сўнг (сертификат яхси сертификат бўйича депозитини талаб килиб олиш хукукини кўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фойзлар мазкур сертификат сотиб олинган вақтдан катъи назар, 2 (икки) банк иш куни ичда банк томонидан тўланади.</p> <p>Агар сертификат бўйича депозитни олиш муддати этиб келгандаги сертификат омонатчи томонидан тўловга ўз вақтида тақдим этилмаса, омонат суммаси банкда талаб килиб олингунга кадар депозитни олиш муддати этиб кетган даври учун сертификатда белгилangan фойзни ва талаб килиб олгунга кадар депозит бўйича фойзни хисобламайди. Бунда банк сертификат муомалада бўлиши муддати ўтиб кетган даври учун сертификатда белгилangan фойзни ва талаб килиб олгунга кадар депозит бўйича фойзни хисобламайди ва тўламайди тўламайди.</p> <p>Сертификатлар бўйича хисобланган даромад соликка тортилиши Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилган тартибида амалга оширилади.</p> <p>Йўкотилган сертификатлар бўйича хукуклар банк томонидан кайта тикланади.</p> <p>Сертификат йўқолганиги аниқланадига сертификат сакловчиси бу хақда 2 (икки) банк иш куни ичда ариза тақдим килиши оркали банкни хабардор килиши шарт. Ариза банкка тақдим этилгаган санадан бошлаб, 5 (беш) банк иш куни ичда кўриб чиқилади. Ариза банкнинг маҳсус журналида кайд этилади, ушбу журнал роҳамланган, тикилган ва банк мухри билан тасдиқланган бўлиши лозим.</p> <p>Ариза ва бошка зарур хужжатлар банк Бонкаруви ташкил этган маҳсус комиссия томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий карор кабул килинганидан кейин банк аризачига 5 (беш) банк иш куни ичда йўкотилган сертификат дубликатини беради ёки сертификатни муомалада бўлиши муддати келган бўлса сертификат бўйича тўловларни амалга ошириади.</p> |  |   |  |